

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ



**“МЕНЕЖМЕНТ” ФАНИДАН РЕЙТИНГ ТИЗИМИ АСОСИДА
ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ БАҲОЛАШ БЎЙИЧА**

УСЛУБИЙ КЎРСАТМА

Тошкент – 2009

«МАЪҚУЛЛАНГАН»
«Халқаро туризм» факультети
Илмий Кенгашида маъқулланган

«ТАВСИЯ ЭТИЛГАН»
«Туризм» кафедрасининг
2009 йил 8 сентябрдаги
мажлисида муҳокама
қилинган ва тавсия этилган
(Кафедра мажлисининг 2-сонли баённомаси)

Тузувчи:

© Раббимов Элдор. “Менежмент” фанидан рейтинг тизими асосида талабалар билимини баҳолаш бўйича услубий кўрсатма – Т.: ТДИУ, 2009, 7 бет.

Асосий қоидалар

“Менежмент” фани бўйича тайёрланган мазкур услубий кўрсатма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 7 августдаги 276–сонли буйруғи билан амалга киритилган “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида Низом”, 2005 йил 21 февралдаги 34-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Талаба мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисида Намунавий низом”, 2009 йил __ августдаги __-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Менежмент” фани бўйича Намунавий дастур ҳамда ТДИУ “Халқаро туризм” факультети Илмий Кенгашининг 2009 йил 29 августдаги 1-баённомаси билан тасдиқланган “Менежмент” фани бўйича Ишчи ўқув дастури асосида ишлаб чиқилган.

Мазкур услубий кўрсатмадан бакалавриат босқичи “Туризм” таълим йўналиши 2 курс талабаларининг “Менежмент” фанидан билимини назорат қилиш ва баҳолашда фойдаланиш тавсия этилади. У талабаларга мазкур фанни ўзлаштиришда зарурий балларни тўплаш ҳақида тасаввурга эга бўлиш имконини беради. Йўналиш ишчи ўқув режасида фанга ажратилган умумий ўқув юкламаси 162 соат, шу жумладан маъруза машғулотлари 42 соат, амалий машғулотлар 42 соат, мустақил иш 78 соат ҳажмида режалаштирилган.

I. Назорат турлари ва уни амалга ошириш тартиби

“Менежмент” фани бўйича талабаларнинг билим савияси ва ўзлаштириш даражасининг Давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун қуйидаги назорат турларини ўтказиш назарда тутилади:

1) жорий назорат (ЖН) – талабанинг фан мавзулари бўйича билим ва амалий кўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули. Жорий назорат мазкур фан хусусиятидан келиб чиққан ҳолда маъруза ва амалий машғулотларда қуйидагича амалга оширилади:

- мавзулар бўйича олинган билимларни оғзаки сўраш;
- конспектларни текшириш;
- талаба фаоллигини баҳолаш;
- тестлар олиш;
- уй вазифаларининг бажарилганлигини текшириш;
- кейс-стади ечиш ва бошқа шу кабилар.

2) оралиқ назорат (ОН) – университет ўқув жараёни графигига биноан ўтказилувчи, мазкур фаннинг бир неча мавзуларини ўз ичига олган назорат шакли ҳисобланади. “Менежмент” фани бўйича оралиқ назоратлар 2009-2010 ўқув йилининг 1-семестридаги 9 ва 17 ҳафталарда ўтказилади. Ушбу фан бўйича ОН 2 мартда ўтказилиши режалаштирилган:

1-ОН ёзма иш шаклида 3 та топшириқдан иборат бўлади.

2-ОН семестр бошида берилган ўқув лойиҳаси тайёрлаш ва тақдимот қилишдан иборат.

Оралиқ назорат саволлари ҳар бир янги ўқув йили бошида кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан тузилиб, кафедра мажлисида муҳокама қилинади ва тасдиқланади. Тасдиқланган оралиқ назорат саволлари олдиндан талабаларга тарқатилади. Жумладан, “Менежмент” фанидан оралиқ назорат саволлари “Туризм” кафедрасининг 2009 йил 28 августдаги 1-мажлисида муҳокама қилинган ва тасдиқланган.

3) якуний назорат (ЯН) – семестр якунида муайян фан бўйича назарий ва амалий кўникмаларни талабалар томонидан ўзлаштириш даражасини баҳолаш усули. Мазкур фан бўйича якуний назорат семестр охиридаги икки ҳафта давомида Ўқув –услугий бошқарма томонидан тузилган график асосида фанга ажратилган соатлар ва аудиторияда ёзма иш шаклида ўтказилади.

II. Баҳолаш тартиби ва мезонлари

“Менежмент” фани бўйича талабаларнинг билим савияси, кўникма ва малакалари назорат қилишнинг рейтинг тизими асосида балларда ифодаланади.

Талаба мазкур фан бўйича йиғиши мумкин бўлган максимал балл – 100 балл бўлиб, у қуйидагича тақсимот қилинади:

- жорий назорат – 45 балл;
- оралиқ назорат – 40 балл;
- якуний назорат – 15 балл.

Фан бўйича жорий, оралиқ ва якуний назоратларнинг ҳар бирига ажратилган балнинг 55 фоизи саралаш балл этиб белгиланади. Ҳар бир назорат туридаги саралаш балидан кам балл тўплаган талаба академик қарздор талаба ҳисобланади.

Жорий назоратдаги баллар тақсимоти (ўзлаштириш кўрсаткичлари бўйича баҳолаш мезонлари):

№	Мезонларнинг номланиши	Ҳар бир топширик учун	Максимал йиғиш мумкин бўлган балл
1	Талаба фаоллиги (мавзулар бўйича оғзаки жавоб бериш, мавзулар бўйича тақдимот тайёрлаш)	ҳар бир жавоб 0,5 балл ҳар бир тақдимот учун 2 балл	10 балл 4 балл
2	Мавзу бўйича тўлиқ конспект ёзиш	Семестр давомида конспектни ёзиб боргани учун 3 балл	3 балл
3	Тестларни ечиш	ҳар бир тўғри ечилган тест учун 0,2 балл	8 балл
4	Уй вазифаларини бажариш (ўқув топшириқлар, назорат саволлари)	ҳар бир тўғри бажарилган уй вазифа учун 1 балл	10 балл

5	Туристтик корхоналарда менежмент самарадорлигини оширишдаги муаммоли масалаларни ечиш	хар бир тўғри ечилган масала учун 1 балл	10 балл
---	---	--	---------

Жорий назоратда талабалар ўзлаштириш кўрсаткичлари қуйидагича тақсимланади:

- а) **39 – 45 баллгача** жорий ўзлаштириш “аъло” баҳоланади
- б) **32 – 38 баллгача** жорий ўзлаштириш “яхши” баҳоланади
- в) **25 – 31 баллгача** жорий ўзлаштириш “қониқарли” баҳоланади
- г) **0 – 25 балл** бўлганда талаба мазкур назорат тури бўйича етарли балл йиғмаган деб хулоса қилиниб, ушбу фан бўйича академик қарздор ҳисобланади.

Оралик назоратда баллар тақсимооти (ўзлаштириш кўрсаткичлари бўйича баҳолаш мезонлари):

1- ОН ёзма иш шаклида 3 та топшириқдан иборат бўлади.

2- ОН семестр бошида берилган ўқув лойиҳасини тайёрлаш ва тақдимот қилишдан иборат.

Оралик назорат турлари	Ўтказиш муддати	Ўзлаштириш кўрсаткичлари	Баҳолаш мезонлари
Биринчи оралик назорат (1-ОН)	2009 йил 26-31 октябрь	11 – 13 балл (56-70 фоиз)	- назарий саволга жавоб бериш (2 балл); - кейсни ечиш (6 балдан 7 балгача); - 9-11 та тестни тўғри ечиш (3 балдан 4 балгача)
		14 – 16 балл (71-85 фоиз)	- назарий саволга жавоб бериш (3 балл); - кейсни ечиш (7 балдан 9 балгача); - 12-13 та тестни тўғри ечиш (4 балл)
		17 – 20 балл (86-100 фоиз)	- назарий саволга жавоб бериш (4 балл); - кейсни ечиш (9 балдан 10 балгача); - 14-15 та тестларни тўғри ечиш (5 балдан 6 баллгача)
Иккинчи оралик назорат (2-ОН)	21 – 26 декабр 2009 йил	11 – 13 балл	Ўқув лойиҳаси учун зарур маълумотлар охиригача йиғилган, қайта ишланган, тизимли кўринишга келтирилган, гуруҳдаги барча талабалар фаол иштироки сезилиб турибди. Тақдимот слайдлари охирига етмаган, тақдимот мезонларига тўлиқ жавоб бермайди.
		14 – 16 балл	Ўқув лойиҳаси учун зарур маълумотлар охиригача йиғилган, қайта ишланган, тизимли кўринишга келтирилган, гуруҳдаги барча талабалар фаол иштироки сезилиб турибди. Тақдимот слайдлари охирига етган, аммо тақдимот қилишда хатоларга йўл қўйилди.
		17 – 20 балл	Ўқув лойиҳаси учун зарур маълумотлар охиригача йиғилган, қайта ишланган, тизимли кўринишга келтирилган, гуруҳдаги барча талабалар фаол иштироки сезилиб турибди.

			Тақдимот слайдлари охирига етган, тақдимот аъло даражада бўлиб ўтди. Талабалар корхона менежменти фаолияти ҳисоботи бўйича тўлиқ назарий билимларга эга, амалий кўникма ҳамда малакалар орттирган
--	--	--	---

Ҳар бир ОН бўйича **0 – 11 балл** тўплаган талаба мазкур назорат тури бўйича етарли балл йиғмаган деб хулоса қилиниб, умумий 22 балдан кам бўлганда ушбу фан бўйича академик қарздор ҳисобланади.

Якуний назоратда баллар тақсимооти (ўзлаштириш кўрсаткичлари бўйича):

ЖН ва ОНга ажратилган умумий баллдан саралаш балини тўплаган талабага якуний назоратда иштирок этиш ҳуқуқи берилади. Якуний назоратдаги вариантлар ҳар бир талабага такрорланмайдиган, алоҳида тузилиб, ҳар бири 5 та топшириқдан иборат бўлади.

Якуний назоратдаги ёзма ишларни баҳолаш мезонлари ҳар бир топшириққа максимум 3 баллдан белгиланади.

Якуний назорат	Ўтказиш муддати	Ўзлаштириш кўрсаткичлари	Баҳолаш мезонлари
	1-6 феврал 2009 йил	14 – 15 балл	Талаба 5 та топшириқни бажариши керак (5 та топшириқни иккитаси назарий савол, битта масала, битта ўқув топшириқ ва тест).
		12 – 13 балл	Талаба 4 та топшириқни тўлиқ бажарган 5-топшириқни қисман бажарган бўлиши керак.
		9 – 11 балл	Талаба 3 топшириқни тўлиқ 4-топшириқни қисман бажарган бўлиши керак.
		0 – 8 балл	Талаба 3 тадан кам топшириқни бажарган бўлиб, ушбу фан бўйича академик қарздор ҳисобланади.

Ёзма ишларни профессор-ўқитувчилар икки кун давомида текшириб, баҳоларни эълон қилиши ва тегишли ҳужжатларда қайд этиши лозим.

“Менежмент” фани бўйича мустақил ишлар жорий, оралиқ ва якуний назоратлар жараёнида қуйидаги топшириқларни бажариши орқали назорат қилинади ва баҳоланади (талаба топшириқлардан бирини бажараши мумкин):

- Президент И. Каримов асарларини мустақил ўрганиш, конспектлаштириш – 10 балл;
- “Ўзбектуризм” МК, туристик фирмалар фаолиятига оид Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларни конспектлаштириш – 10 балл;
- фаннинг ихтиёрий мавзуси бўйича энг сўнгги интернет маълумотларини йиғиш, таҳлил қилиш ва тақдимотини амалга ошириш – 10 балл;

- фан бўйича кроссворд (сканворд) тузиш – 10 балл.

Талаба ЖН ва ОНлардан бирор тури бўйича ўз вақтида узрли сабабларга кўра балл тўплай олмаса, қайта ўзлаштириш учун кейинги шу назорат туригача бўлган муддат берилади.

Академик қарздор талабаларга қайта ўзлаштириши учун семестр тугаганидан кейин икки ҳафта муҳлат берилади. Кафедранинг тегишли профессор-ўқитувчиларига қарздор талабалар билан ишлаш вазифаси юклатилиб, у махсус жадвал асосида амалга оширилади.

